



ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ:

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Бахтиёржон ЖЎРАЕВ,
"Hamkorbank" АТБ Бошқаруви раиси

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси етти йўналишдан иборат бўлиб, 2017-2021 йилларда Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган ислохотларнинг узвий давоми эканлиги билан аҳамиятли. Унинг учинчи йўналиши — миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш бўйича белгиланган устувор вазифа-

ларни ўзида ифодалайди.

Олдимизда турган янги вазифалар ҳақида гапиришдан аввал ортга назар ташлаш ўринли. 2017-2021 йилларда Ҳаракатлар стратегиясининг самарали ижро этилиши орқали иқтисодий ислохотларнинг юқори натижаларига эришилди. Давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати тубдан ўзгарди. Иқтисодий ривожланиш аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган мутлақо янги босқичга ўтди.

Ўтган беш йилликда Ўзбекистоннинг пул-кредит ва валюта соҳасидаги сиёсатида "кескин бурилиш"лар амалга оширилди. 2017 йилдан бошлаб миллий валюта курсини иқтисодиётда чет эл валютасига бўлган талаб ва тақлифга асосан белгилаш механизми жорий қилинди. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан чет эл валюталарининг сотилиши, сотиб олиниши ва тасарруф қилиниши борасидаги чекловлар бекор қилинди.

Шунингдек, аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида барча турдаги пенсиялар ва олис туманлардаги бюд-



TARAQQIYOT STRATEGIYASI 2022-2026

жет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий тўловлар ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд пул шаклида амалга оширилиши жорий этилди. Ички нархларнинг барқарорлигини таъминлашда ўрта муددатли истиқболда пул-кредит сиёсати мақсадларига эришиш принцип ва механизмларини хорижий марказий банklar томонидан қўлланиладиган инфляциявий таргетлаш режимига ўтилди.

2018 йилда аҳолига банк хизматларини кўрсатишда, жумладан, валюта олди-сотди операцияларини амалга оширишда қулайликлар яратиш мақсадида, жисмоний шахслар томонидан халқаро тўлов карталарига сотиб олинган хорижий валютани тижорат банklarида нақд шаклда ечиб олиш механизми жорий этилди. Тижорат банklarи томонидан аҳоли гавжум жойларда, хусусан сайёҳлик зоналари, аэропортлар, вокзаллар ва бозорларда "24/7" режимида ишловчи автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари ташкил этилди.

> (Давоми 2-бетда).

Наманган томонларда



ГЎЗАЛЛИК ВА ГУЛ ШАЙДОЛАРИНИ ЧОРЛАМОҚДА

Шу кунларда Наманганда 61-халқаро гуллар фестивалига тайёргарлик авжида. 22 май куни бошланадиган анъанавий фестивал икки ҳафта давомида кенг нишонланади.



Унда юртимиз ҳамда хорижий давлатлардан ташриф буюрган моҳир гулчилар, икебана санъати усталари, ландшафт дизайнерлари гулчилик борасидаги маҳоратини намойиш этади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, "Адиблар хиёбони", "Афсоналар водийси" тематик парки ва бошқа дам олиш масканлари гулларга бурканади.





ЎРИК ЭКСПОРТИ БОШЛАНДИ



Поп туманида Россия, Қирғизистон, Қозоғистон, Бирлашган Араб Амирик-лари, Жанубий Корея давлатларига мавсумда биринчилардан бўлиб сифатли ўрик экспорти бошлаб юборилди.

Туманда йиллар мобайнида даштликдан иборат бўлган, самарасиз ётган ерларда интенсив боғ яратилиб, инновацион технологиялар асосида "Нуран уз" мева-сабзавотчилик кластери фаолияти йўлга қўйилган эди.

Ҳозирда 450 нафар мавсумий, 45 нафар доимий ишчи ўрнини яратган кластер бу йилги мавсум давомида ўрикнинг ўзидан 600 тонна ҳосил олиш ва чет давлатларга экспорт қилишни режалаштирган.



(Давоми. Боши 1-бегда).

2019 йилда валютани тартибга солиш соҳасидаги илғор халқаро тажриба асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни янги тахрирда қабул қилинди. Унда валютани тартибга солиш ҳамда назорат қилиш тизимининг ягоналиги, ушбу соҳада давлат сиёсатини амалга оширишда иқтисодий чораларнинг устуворлиги, резидентлар ва норезидентларнинг валюта операцияларига давлат органларининг қонунга хилоф равишда аралашувига йўл қўйилмаслиги каби асосий тамойиллар белгиланди. Миллий валюта "сўм"нинг мавқеини янада мустаҳкамлаш ҳамда унга бўлган ишончини кучайтириш мақсадида давлат божлари, йиғинлар ва бошқа мажбурий тўловлар миллий валютада ундирилиши, товар ва хизматлар учун нархлар ҳамда жамиятларнинг устав капиталига қўйиладиган минимал талаблар фақат миллий валютада ўрнатилиши қонун билан белгилаб қўйилди.

Банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, банк таваккалчилигини баҳолашни такомиллаштириш, тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг замонавий тамойиллари ҳамда механизмларини жорий этиш мақсадида 2017–2021 йилларда илғор банк амалиёти асосида

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ:

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ
РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

банк-молия тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари комплекси тасдиқланди. Инвестиция лойиҳалари ҳамда тадбиркорликни молиялаштиришда банкларнинг иштироки кенгайтирилди. Банк хизматларининг оммабоплигини ошириш мақсадида, чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш операцияларини амалга ошириш, халқаро тўлов карточаларидан хорижий ҳамда миллий валютада узоқ муддатли депозитларга пул маблағларини ўтказиш имконини берувчи жисмоний шахслар ҳисобини масофадан бошқариш тизими жорий этилди.

Кредит бюросида скоринг тизими яратилиши орқали банк кредити жараёнлари оптималлаштирилди, мижозларга бевосита хизмат кўрсатиш зонасига тўсиқсиз кириш имконияти таъминланди, ортиқча фоиз, комиссия ва жарималарни ундириш тақиқланди. Кўпчилик учун маъқул бўлган кредитлар бўйича аризаларни шаффоф равишда рўйхатга олиш талаблари белгиланди.

Иқтисодиёт йўналишидаги ислохотлар табиий равишда бизнинг бан-

кимизда ҳам жорий этилди. Натижада ҳамкорларимиз сафи кенгайди ва мижозларда бизга бўлган ишонч янада ортди. Бугунги кунга келиб, 31 йиллик тажриба асосида тизимдаги янгиликларни ўз вақтида амалиётда қўллашга эришилди.

Оқоридагиларнинг давоми сифатида эндиликда барча соҳаларда Тараққиёт стратегияси асосида янги давр бошланди. Айтиш мумкин-ки, 2022–2026 йилларда мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш борасида белгиланган бир қатор стратегик вазифалар амалга оширилади.

Жумладан, рақамли иқтисодиётни асосий "драйвер" соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар ошириш кўзда тутилган эътиборли. Шундан келиб чиқиб, иқтисодиётнинг реал сектори ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операция жараёнларини рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш режалаштирилди. Бу ўз-ўзидан ҳар биримиздан шунга мос равишда иш юритишни, ортиқча вақт ва хара-

жатнинг олдини олишга эришишни талаб этади. Банк тизимида кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотларда ҳам аини шу мақсад кўзда тутилган.

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибдорлигини ошириш долзарб вазифалардан бирига айлан-ди. Беш йил давомида 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан, 70 миллиард АҚШ доллар хорижий инвестицияларни жалб этилиши иқтисодиётда катта қадам демекдир. Натижада хорижий ҳамкорлар билан амалга оширилаётган ишлар кўлами кескин ошади, ишлаб чиқаришда ўсиш ва янги иш ўринларига йўл очилади.

Иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш режалаштирилди. Бу капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан, фонд биржаси орқали хусусийлаштириш, давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини яқунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказишга олиб келади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда янги давр бошланди. Бу жараёнда фол иштирок этиш билан Ўзбекистоннинг янада ривожланишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Бугун қайси бир маҳаллада бўлманг дув-дув гап. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеликлардан бири — маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)нинг навбатдаги сайлови ҳақида.

МАҲАЛЛАДА
ДУВ-ДУВ ГАП

Хўш, бу жараён биз учун қанчалик муҳим? Агар ҳар бир фуқаро ўз оиласи, маҳалласи ва қишлоғининг бугуни ва эртасига бефарқ бўлмаса, албатта, ушбу сайловга ва унда кўрсатилган номзодларга эътиборсиз бўлмайди. Уларнинг кимлигини сўраб-суриштиради, жараён қандай кетаётганлиги билан қизиқади. Негаки, у яшаётган маҳалланинг тақдири кўп жиҳатдан сайланадиган раисга боғлиқ. Бугунги кун сиёсати маҳаллаларга катта имконият бермоқда. Фақатгина ақл-салоҳиятини ишга солиб, ушбу имкониятдан маҳалла фаровонлиги ва ободлиги йўлида фойдаланиш зарур.

Менинг фикримча, маҳалла йиғини раиси лавозимига дадил, шижоатли, меҳнатсевар, адолатли, нафси тўқ, бировнинг ҳақидан кўрқадиган, қонунларни яхши билувчи, масъулиятли ва раҳбарлар олдида бошини эгмайдиган, тилёламачиликдан йироқ, кўпол қилиб айтганда, ушлаган жойини узадиган, маҳалласини сеувчи, унинг гуллаб-яшнашини чин юракдан истовчи инсон сайланиши керак. "Аслида шундай инсон бормикан?" деган



савол туғилиши табиий. Албатта, идеал инсон бўлмайди. Айрим камчиликлардан истисно тариқасида кўз юмиш мумкин. Лекин нафси оч, бефарқ, дангаса шахсни асло бу лавозимга яқинлаштириб бўлмайди. Ундай кишилар маҳалла учун фақат зиён келтиради.

Оқсоқолликка икки марта кетма-кет сайланиб ҳам маҳалла учун ҳеч нима қилмаган маҳалла раисини биламан. Чунки у табиятан ювош, "сен менга тегма, мен сенга тегма" қабилида иш кўрар эди. Эшитишимча, бу аёл ҳокимга ва раҳбариятга ёмон кўриниб қолишдан кўрққани учун юқорига фақат сох-та ҳисоботлар тақдим қилиб келган. Унинг бахтига ўша ердаги аҳоли ҳам содда, камсуқум

КУН МАВЗУСИ

бўлиб, ҳақ-ҳуқуқини библиши хоҳламади, бирон талаб билан чиқмади.

Албатта, раисликнинг янги талабларида олий маълумотли бўлиши, камида шу ҳудудда беш йил яшashi, бирон фаолият тури билан шуғулланган бўлиши керак, деган бандлар қайд этилган. Ёш чегараси белгиланма-

ган. Бу тўғри қарор. Чунки яхши раис бўлиши учун, у албатта, маълум бир ёшдан ошган бўлиши шартмас. Муҳими, унинг виждони, ўз олдига қўйилган мақсадни тўғри англаб етиши ва ҳаракатида. Халқимиз ҳам бу сайловнинг моҳиятини теран тушуниб, муносиб шахсларга овоз бериши керак. Биргина ўзининг шахсий манфаати йўлида қариндоши ёки танишининг номзодини тарғиб қилиб, уни қўллаб-қувватлаши оқибатида номуносиб шахсларни оқсоқол бўлиб қолишига имкон яратмасин. Буларнинг барчаси менинг шахсий фикрим. Хўш, сизнингча қандай инсон маҳалла оқсоқоли бўлиши керак?

Абдурахмон БҲАБЕКОВ.

"Hamkorbank" да

"ХУШ КЕЛИБСИЗ" —
ҚУЛАЙ ВА
ЧЎНТАКБОП ТАРИФ

"Хуш келиб-сиз" тариф режаси "Hamkorbank" нинг янги мижозлари учун тавсия этилиб, юқори сифат, чўнтакбоп нарх, тезкорлик ва қулайликка эга.

Ушбу тариф режасидан фойдаланувчиларга ҳисобварағлар дебет айланмаси учун банк хизмати 0.1 фоизни ташкил этади. Умумий тарифда бу кўрсаткич 0.8 фоизгача белгиланган. Ҳисоб рақамга масофавий хизмат кўрсатиш учун ойлик тўлов йўқ. Умумий тарифда эса 60 минг сўм тўланиши белгиланган. Қўриб турганингиздек, янги тарифда ҳисоб рақами билан боғлиқ барча маълумотномалар бепул тақдим этилади.

"Хуш келибсиз" ҳар томонлама қулайликка эга. Абонент тўлови 120 минг сўмни ташкил этиб, у мижоз пакетга уланганидан сўнг амалга оширилади. Эътиборли жиҳати, биринчи ой учун абонент тўлови ҳисобланмайди.

Банк ва мижоз ўртасидаги тегишли шартнома 90 кунга имзоланади. "Хуш келибсиз"нинг ўзи-га хослиги ҳам айнан мана шунда. 90 кун ҳар икки томон учун жуда қулай. Белгиланган муддатда банк мижоз салоҳиятини аниқлаб олади, ўз навбатида мижоз ҳам банк тарифларини қайта кўриб чиқиш имконига эга бўлади. Мазкур тариф режаси эълон қилинганига ҳали кўп вақт бўлмаса-да, ундан фойдаланувчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

Шаффоф, қулай, тушунмовчиликлардан холи "Хуш келибсиз" тариф режаси бизнес эгалари учун аини имконият.

Наргиза ЭШОНОВА.

Боливия Боливиянинг маҳбустлар кўп қамоқхоналарида китоб ўқиш орқали қамоқ муддатини бир неча ҳафта ва кунларга қисқартиришга имкон берадиган "Панжара ортидаги китоблар" дастури ишга туширилди.

ПАНЖАРА ОРТИДАГИ МУТОЛАА

Дастур саводхонликни ошириш ва маҳбустларга умид бериш мақсадида бошланди. Боливияда ўлим жазоси ёки умрбод қамоқ жазоси йўқ, лекин суд тизими суст ишлаши сабабли кўп вақт қамоқда қолиб кетиш мумкин.

Айни пайтда дастур таълим учун ресурслари бўлмаган, ижтимоий ёрдам дастурлари билан интеграция қилинмаган 47 та қамоқхонада амал қиляпти. Ҳозиргача 865 нафар маҳкум ёзиш ва ўқиш маҳоратини яхшилаш устида ишламоқда. Улар орасида эндигина савод чиқараётганлари ҳам бор.

Бразилия

Уолтер Ортман бир компанияда 84 йил-у 6 кун узлуксиз ишлагани учун Гиннес рекордлар китобига киритилди.

ЮЗ ЁШЛИ ҲОДИМ РЕКОРД ҚЎЙДИ

1938 йилда Бразилиянинг Санта Каратина шаҳридаги тўқимачилик корхонаси-га юк ташиш бўйича ёрдамчи бўлиб ишга кирганда 15 ёшда эди. Шундан то ҳозирга

қадар иш жойини ўзгартирмай келяпти.

Юк ташиш бўлимида иш бошлагач, ўз ғайрати ва қобилиятини кўрсатиб, савдо бўлимига ўтказилади ва

10 май кун

Венгрия

Каталин Новак Венгрия Президенти вазифасини бажаришга киришди.

У мамлакат тарихида ушбу лавозимни эгаллаган биринчи аёл бўлди.

45 ЁШЛИ БИРИНЧИ АЁЛ ПРЕЗИДЕНТ

Сўнгги ўн йил давомида давлат раҳбари бўлиб келган Янош Адер мамлакат Президентларининг расмий қароргоҳи — Шандора саройининг калитларини Каталин Новакка топширди.

Янги Президент 45 ёшда, иқтисод ва ҳуқуқ фанлари бўйича дипломлар соҳибаси. 2017-2021 йилларда у бош вазир Виктор Орбан бошчилигидаги Венгриянинг "Фидес" сиёсий партияси раиси ўринбосари бўлган. Мамлакатнинг аввалги раҳбари Янош Адер ҳам "Фидес" партияси вакили эди.

муваффақиятли савдо менежери сифатида ишлай бошлайди.

Яқинда Уолтер 100 ёшга тўлди. Бироқ унинг хотираси ҳануз яхши, соғлиги ҳам жойида. Шунинг учун вақтини севимли жойи — офисида ўтказишдан ҳали ҳам чарчамайди. У бир ерда энг узоқ карьера қилган ҳодим сифатида Гиннес рекордлар китобига киритилди.

Павел Дуровнинг сўзларига кўра, айни дамда юз миллионлаб одамлар очликдан азиратилган.

TELEGRAM АСОСЧИСИ 12 МИЛЛИОН ЕГУЛИК ХАЙРИЯ ҚИЛДИ

Эҳтиёжга муҳтожларга ёрдам бериш учун ўтган ой БААда 1 Billion Meals ташаббусини ўтказди. 1 Billion Meals — бу 50 та мамлакатдаги энг камбағал одамларни миллиардлаб овқат билан таъминлашга қаратилган маблағ йиғиш компанияси саналади.

"Ташаббус асосчиси Шайх Муҳаммад 400 миллион егулик хайрия қилди, мен эса камтарона 12 миллион ҳисса қўшдим, — дейди Дуров. — Умид қиламизки, кейинги йилларда яна кўплаб одамлар ташаббусга қўшилади ва биз биргаликда БМТ томонидан қўйилган "Нол очлик" мақсадига эриша оламиз".

Манбаларга қараганда П. Дуров БАА фуқаролигини олган.

Х. ТУРҒУНОВ тайёрлади.

ТАРБИЯ КЎПРОҚ КИМ УЧУН?

Оилани олтин кўрғонга қийс-лашади. Оилавий муносабатлар, эзгу удумлар, ҳикматга бой ва отамерос анъаналар ушбу кўрғон ичидаги бебаҳо хазинадир. Бу хазина халқни халқ, миллатни миллат қилиб туровчи маданиятимиз ва маънавиятимизнинг ўзгини ташкил этади.

Ўзбек оилаларида ўзига хос ижтимоий хусусиятлар мавжуд бўлиб, булар — болажонлик, катталарга ҳурмат, оилада эркак ва аёлларнинг алоҳида мавқеи, қайнона ва келин муносабатларининг ўзига хослиги, бобо ва буви-ларнинг раҳнамолиги, ёшларни ҳаётга тайёрлаш ва унинг бахтли келажагини таъминлаш анъанасининг бардавмоллиги.

Ёш авлодни миллий удумларимиз, анъаналаримиз, маънавий ва маданий қадриятларимиз руҳида тарбиялашда халқимиз амалий педагогикасининг нодир намуналари алоҳида таъсир кучига эга. Айниқса, бу улкан хазина фарзандларга ота-оналар томонидан изчил, кун-бакун, қадам-бақадам сингдириб борилса, олиб борилган таълим-тарбиявий таъсир остида бола ижтимоий ҳаёт, ахлоқий мезонлар, моддий ва маънавий қадриятлар ҳақидаги билим ва тажрибани тадрижий равишда ўзлаштириб боради.

Олимларнинг таъкидлашича, инсоннинг шахс сифатида шаклланиш жараёнининг 80 фоизи 5 ёшгача — бола, асосан, оила қарамотида бўлганда юзага келади. Баркамол шахснинг шаклланиши, унинг ёрқин истиқболи учун пойдевор оилада, ота-она томонидан барпо этилади.

Болани дунёга келтиришдан кўра, уни жамиятга нафи тегадиган, билим-ли, касб-хунарга эга солих



Мушоҳада

фарзанд қилиб тарбиялаш мушкулроқ. Шунинг учун ҳам оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни асраш ва уни миллий ғоя руҳида мустаҳкамлаш давлат аҳамиятига молик масаладир. Бизнинг миллатимизга хос бўлган муомала маданияти, меҳр-оқибат, мурувват, андиша ва орномус, қариндош уруғлар, айниқса ота-онага ҳурмат, кексаларни улуғлаш, муносиб авлод сифатида аждодлар руҳини шод қилиш каби туйғулар нафақат тарбия вазифасини, балки, инсоний фазилатларнинг шаклланишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Халқимизда "Жаннат боғида тарбияланган фарзанд", деган ибора бор. Бу ҳавас билан, ақлли, илмли, одобли фарзандларимизнинг олийжаноб фазилатларига бериладиган баҳодир. Фарзандларимизнинг "мана шу муқаддас тупроқ меники, бу ерда ота-боболаримнинг ҳоки ётибди. Агар шу мусавффо осмон, шу эркин ва ёруғ ҳаёт, мана шу муқаддас Ватанни мен ҳимоя қилмасам, ким ҳимоя қилади?" деган этиқод руҳида тарбия топиши беқийс аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, фарзанд тарбияси келажак йўлида қўйилган қадамдир. Бу масалага қанчалик эътиборли бўлсак, ижобий самара беради.

Феруза ОРИПОВА.

ЭНДИ ҒАЛЛА БОЗОР НАРХИДА СОТИЛАДИ

Шу йил 1 июндан давлат ғаллани бозор нархларида сотиб олади ва сотади. 1 тонна буғдой нархи ўтган йилдаги 1,5 млн. сўмдан 3 млн. сўмга оширилади.

Президент Шавкат Мирзиёев давлат дон корхоналаридаги айни пайтдаги эскича тизим дон етиштирувчи ҳам, қайта ишловчи корхоналарга ҳам манфаат бермаётганини таъкидлади. Шунингдек, фермер ва кластерларга ўзлари етиштирган ғалласини биржа савдоларида олиб

чиқишлари учун ҳам барча имкониятлар яратилиши айтилди.

Қишлоқ хўжалиги жамғармаси харид қилган 1 миллион 783 минг тонна буғдой эҳтиёжга қараб ойма-ой биржага чиқарилади. Бунда июль-август ойларида биржада шаклланган ўртача нархлардан келиб чиқиб, фермерларга ўртадаги ижобий фарқ ҳам тўлаб берилади.

Мисол учун, август ойида 1 тонна ғалланинг биржа нархи 3,5 миллион сўм бўлса, фермерга яна 500

минг сўм тўлаб берилади. Бу мақсадларга жорий йилда давлатдан 6 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилади. Бундан ташқари: фермерлар ихтиёрида қоладиган буғдойдан 500 минг тонна дон корхоналарида вақтинча сақлаш учун қабул қилинади ва 1 июндан бошлаб илк бора фермер



ва кластерларнинг ўзлари биржа савдоларида бозор нархида чиқаради.

500 минг тонна буғдойнинг дон корхоналарида вақтинча сақлаш харажатларини давлат ўз зиммасига олади ва бунга 100 миллиард сўм ажратилади.

Агар фермер ва кластерлар ортқича ғалласини сотиш истагида бўлса, давлат ва хусусий дон корхоналарига шартнома асосида келишилган нархларда сотади.

Тадбиркорлик ташаббус, изланиш ва янги ғоя демакдир. Қолаверса, иқтисодий жиҳатдан юксалиш йўли. Кейинги йилларда давлатимиз томонидан соҳага бўлган эътибор бизга қўшимча куч бағишламоқда. Бунга ўз фаолиятимиз мисолида аниқ айта оламиз.

ЭКСПОРТ

ДАРОМАД ДЕМАК

Илгарлари хорижлик ишбилармонлар фаолиятига ҳавас билан қараганимиз бор гап. Ўз корхонасига эга бўлиш, катта даромад биз учун орзу эди. Бугун ҳаммаси амалга ошмоқда. Айниқса, ҳусурий сектор иштирокида саноат ва ишлаб чиқариш шунчалик тез ривожланмоқда. Хорижлик ҳамкорларнинг ишончи ҳам ортди. Бу ўз-ўзидан олдинга бошлайди. Озгина эътиборсизлик қилган ёки ўз устидан ишламаган тадбиркор четга чиқиб қолиши аниқ. Шу сабаб биз ҳам бунга алоҳида эътибор қаратамиз. Янги лойиҳалар устидан ишлаш доимий вазирамизга айланди.

Фаолиятимиз асосан матога ранг бериш ва гул босишга қаратилган. Бир қарашда бу оддий кўринсада ўзига хос мураккаблиги бор. Бозор талаби, мижоз таклифи, маркетинг асосий шарт. Дастлаб ички бозорда ўз ўрнимизни топдик. Даромадимиз ёмон бўлмасда, экспорт масаласида ўйландик. Чунки бу янада кўпроқ пул топиш асоси.

Хорижлик ишлаб чиқарувчиларнинг талаби биринчи ўринда сифат эканлигини ўргандик. Ва ўз маҳсулотларимизга бу бора-

да талабни оширдик. Яна нарх борасида изландик. Тежамкор технологиялар билан ишлашга ўтдик.

Бугун тўла буюртма билан ишляпмиз. Россия, Белоруссия ва яна бир қатор давлатларда ҳамкорларимиз бор. Савдо уйлариимиз орқали уларга рақобатбардош маҳсулотларимизни етказиб бераймиз. 2021 йилда 9 минг тонна трикотаж материаллари сотилди. Бу аввалги йиллардагига нисбатан даромадимизни сезиларли даражада оширди.

Жорий йилда яна ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳаракатидамиз. Шу мақсадда Туркиядан сўнгги русумдаги қозон, гул босиш ва тўқув дастгоҳлари сотиб олдик. Натижада ортиқча энергия сарфи ва харажат камайди. Ҳозирда кунига 3 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Экспорт борасида тажрибамиз ошиб, хорижлик ҳамкорларнинг сафи кенгайиб



боярпти. "Simex progress", "Er-tex", "Altus

Тех" корхоналари билан 2022 йил учун шартнома имзоланди. Ўзбекистонда ҳам буюртмачиларимиз кам эмас. Тажрибадан келиб чиқиб имкон қадар йирик ва доимий ишловчи корхоналар билан ишлаш тарафдоримиз.

Шу ўринда бир нарсани айтиш ўринли. Юқоридагилар ўз-ўзидан молиявий масалага бориб қадалади. Бу борада муаммога ўрин йўқ. Ўз маблағимиз ва етмаган жойига банк кўмаги режаларимизни амалга оширишда қўл келмоқда. Беш йилдан буён "Hamkorbank"нинг Чилонзор филиали молиявий кўмакчимиз. Айни кунларда биргаликда янги лойиҳа устидан ишляпмиз. Бу билан ишлаб чиқариш ҳажми янада ортади, қўшимча 100 та иш ўрни яратилади.

Иброҳимжон АЛИМОВ,
Тошкент шаҳридаги
"Orange pextile" масъулияти
чекланган жамияти раҳбари.

Энг кўп истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бу — ўсимлик ёғи. Ахир биз ёғли таомларни хуш кўрувчи халқмиз. Баъзида пиширган овқатимиздан мойи сизиб турмаса, маъза қилиб луқма егандек бўлмаймиз. Мана шу истеъмол эҳтиёжидан келиб чиққан иштихонлик Муҳаммад Бўронов ёғ ишлаб чиқарувчи корхона ташкил этишни мақсад қилди ва ниятига етди.

ИШТИХОН ЁҒИГА "КАТТАҚЎРҒОН"НИНГ МАБЛАҒИ МАЪЗА КИРИТДИ

2019 йилда ўсимлик мойи ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Muxammad best oil" МЧЖни тузди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, фаолиятни ривожлантириш учун қўшимча маблағга зарурат сезиб, "Hamkorbank"нинг Каттақўрғон филиалига мурожаат қилди. Бу банк билан иш осон ва тез ботишини кўпчиликдан эшитган эди. Филиал ходимлари тадбиркорнинг мақсадини дарҳол англаб, унга қандай ҳужжатлар кераклигини тушунтиришди. Барча ҳужжатлар тахт бўлгач, МЧЖ номига чет элдан технология сотиб олиш учун 90 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди.

Ҳозирда корхонада кунига 30 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ёғлар пахта, писта ва соядан тайёрланади. Хомашё биржадан сотиб олинди, тайёр маҳсулот ҳолига келгач, харидорга яна биржа орқали етказилади.

— Биз чиқараётган ёғларнинг чет элдан келтирилаётган ёғлар билан ҳеч қандай фарқи йўқ. Уларнинг сифати қандай бўлса, бизники ҳам худди шунақа, чунки технологияси бир хил, — дейди Муҳаммаджон.

Ундан "Хомашё ўзимиздан чиқса, нега бу турдаги маҳсулотларнинг нархи ҳамон қиммат? Рақобатни кўпайтириб, нархни туширишнинг имкони йўқми?" деб сўрадик. "Бизга қўйса, жон деб арзонлаштирган бўлардик, аммо кластер хўжаликлари хомашё нархини туширишни хоҳламапти", деган жавобни берди ҳамсуҳбатимиз. Қолаверса, бу жараёнда биржаларнинг ҳам роли катта экан.

Корхона раҳбарининг айтишича, яқин орада банкдан олинган кредит тўлиқ қопланиб, соф даромад янада ортади. Айни пайтда кредитдан ташқари, 15 нафар ишчига кўнгилдагидек маош тўланмоқда. Шунинг учун тадбиркор ҳозирча топаётган даромади билан мақтана олмаслигини яширмади.

Нима бўлганда ҳам "Muxammad best oil"нинг келажаги порлоқ, Чунки ёғ маҳсулотига талаб ошса ошадики, камаймайди. Шундай экан, корхона яқин йилларда соҳанинг энг йирик ишлаб чиқарувчиларидан бирига айлansa, ажаб эмас.

Н.ТЎХТАМАТОВА.

САВОЛ: Дўстим банкдан кредит олаётганида мен унга кафил бўлгандим. Лекин у кредитни тўлай олмаганлиги учун банк судга берди. Суд давлат божни ундирилсин деб қарор чиқарган. Шу ҳолатда мен нима қилсам бўлади?

Н.МАЖИДОВ,
Қашқадарё.

ЖАВОБ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 293-моддасига кўра;

— қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар (биргаликда) ҳаракат қилиш — жавобгарлик) жавоб берадилар, агар қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлса. Башарти, кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар жавоб беради, шу жумладан, фоизлар тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимларини ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли креди-

тор кўрган бошқа зарарларни тўлайди;

— Кодекснинг 295-моддасига асосан мажбуриятни бажарган кафилга кредиторнинг ушбу мажбурият бўйича ҳуқуқлари ҳамда гаровга олувчи сифатида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқлар кафил кредиторнинг талабини қанча ҳажмда қаноатлантирган бўлса, шунча ҳажмда ўтади;

— кафил кредиторга тўланган суммага фоизлар тўлашни ва қарздор учун жавобгарлик муносабати билан кўрган бошқа зарарини тўлашни қарздордан талаб қилишга ҳақли.

АГАР КАФИЛ БЎЛСАНГИЗ



кафиллар келгусида қуйидаги хатар ва муаммоларга дуч келиши мумкин:

✓ кредит маблағидан ҳақиқатда фойдаланган қарздор кредит тўлов-

СИЗНИНГ ҲУҚУҚИНГИЗ

ларини ўз вақтида тўламаганда, қарздорликни кафил ўз маблағлари (мол-мулки) ҳисобидан тўлашга мажбур бўлиши;

✓ кредит тўлови қарз олувчи ва кафил томонидан белгиланган муддатда тўланмаганда, кафилнинг кредит тарихи ҳисоботида мuddати ўтган қарздорлик бўйича маълумотлар пайдо бўлиши ва ушбу ҳолат келгусида кредит олиш бўйича кафилнинг кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатиши;

✓ тақдим этилган кафиллик, келгусида кредит олиш учун банклар ёки бошқа кредит ташкилотларига мурожаат қилганда кафилнинг молиявий имкониятларини пасайтириши, яъни унга ажратиладиган кредит суммасини камайтирилиши ёки умуман кредит ажратилмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Саволга ҳуқуқшунос
Камолитдин АМАНОВ
жавоб берди.

Хар даврнинг ўз гузаллиги, ўз ҳақиқати ва ҳикмати бор. Аввал илм, кейин меҳнат, ундан сўнг эса роҳат-фароғат. Бу борада "Hamkorbank" фахрийси Юнус Инамов биз билан ўз фикр ва кечинмаларини ўртоқлашди.

УЙДА ЎТИРИШ ҚИЙИН

Нафақага чиққанамга 4 йил бўлди. Лекин ишни тўхтатганим йўқ. Яқингача "Hamkor invest lizing" МЧЖда директор консультант вазифасини бажариб келдим. Бир умр ишлаб ўрганган одам учун уйда ўтириш қийинлигини англадим. Ҳозир ҳам иш билан машғулман. Кучайратим бор экан, ҳаракатда давом этишим керак.

ТАҚДИРНИНГ ТУҲФАСИ

Тақдир мени бу банкка 2006 йилда етаклаб келди. Унгача 10 йил "Саноатқурилишбанк"нинг Наманган филиалига раҳбарлик қилганман. Айрим муаммолар туфайли тармоқнинг ҳолати танг аҳволга келган бир пайтда мени бошқарувчиликка



борди. Бизнинг кўмагимиз билан вилоятимизда яна 2 та филиал ташкил этилди. Уларга ҳам малакали ходимлар етаклаб бердик. Наманган филиали энг фаол тармоқлардан бирига айланди. Бошқарувчилардан сўнг "Hamkor invest lizing" МЧЖни ташкил қилиб, бир неча йиллар у ерда раҳбарлик қилдим.

ЯНГИ "ЛАСЕТТИ" БИЗНИКИ БЎЛДИ

Бир йили банк Бошқаруви томонидан даромадни 1 миллиард сўмдан оширган филиалга мукофот учун "Ласетти" машинаси қўйилди. Ана шу мукофот бизга насиб этди. Даромадимизнинг ошишида "Ифода" МЖЧ билан ҳамкорлигимиз муҳим роль ўйнаган. Шу йили кўп тармоқли бу корхона филиалимиз даромадининг 30 фоизини берган.

БОШҚАРУВЧИЛИКДА 6 ЙИЛ: МИНИ БАНК ВА "ЛАСЕТТИ"

ОИЛАМДАН ХОТИРЖАММАН

Инсон ўзидан тиниб-тинчисин экан. Шукри, менга мана шу хотиржамлик ва тинчлик деган неъмат насиб этди. Фарзандларим ўз йўлини топди. Катта ўғлим Молия вазирлигида ишлайди. Қизим ҳам пойтахтда инглиз тилидан сабоқ беради. Кенжа ўғлим менинг изимдан бориб, банк соҳасини танлади. Ҳозирда "Hamkorbank"нинг Наманган минтақавий филиалида фаолият юритмоқда. Рафиқам педиатр-невропатолог. Ун нафар набиранинг бобосиман.

таклиф қилишди. Шу тариқа "Hamkorbank"даги 16 йиллик фаолиятимнинг муқаддимаси бошланди. Бунинг учун тақдирдан фақат миннатдорман.

ЯНГИЧА БАНКНИ КЎРДИМ

Тўғриси, фронт офис, бек офис деган бўлимларни "Hamkorbank"ка келиб билдим. Давлат банкида ишлаганим учун бундай атамаларни аввал эшитмаган эдим. Бу ерда ишлаш тизими, усуллари бутунлай бошқача бўлиб, ҳамма жараён инновацияга асосланган. Бу менга ёқди. Аслида ҳам банк тизими ҳамisha бошқа соҳалардан

бир қадам олдинда юриши керак. Жараёнга тезда мослашиб кетдим. Ва ўйлайманки, 6 йиллик бошқарувчилик давримда яхши ишларни амалга оширдим.

ЯХШИ ИШЛАДИМ, НАЗАРИМДА

Иш бошлаганимда филиалнинг 600 миллион сўмлик муаммоли кредити бўлган. Аста-секин уларни ундириб, иш тартибини йўлга қўйдим. Филиалнинг кўрсаткичлари ўсди, молиявий ҳолати яхшиланди. Шу давр ичида 6 та мини банк ташкил қилдик. Натижада Чуст, Учқўрғон, Чортоқ туманларига ҳам хизматларимиз етиб

УНУТИЛМАС САҲИФА

Бу тизимда шунчаки ишламадим, дўст, қадр-қиммат орттирдим. Ўз соҳасининг фидойиси бўлган Расулжон Мухторов, Олмахон Тўражонов, Назиржон Қодиров каби инсонлар билан танишиб, ҳамсухбат бўлдим. Улар мендан ўз маслаҳат ва ёрдамларини аямади. Ҳозир ҳам Андижонга тез-тез бориб, ҳамкасбларим билан учрашиб тураман. Негаки бу банк менинг ҳаёт китобимдаги катта бир саҳифа ва уни варақлашдан ҳеч қачон чарчамайман.

ФАОЛ ЁШЛАР

"РАҚАМЛАР МЕНИНГ ҲАЁТИМ"

Бухоро филиали чакана бизнес бўлими етакчи менежери, ёш мутахассис Фаррух Ғуломов билан суҳбатимиз филиал ходимларининг тавсиясига асосан бўлиб ўтди.

— Фаррух, жамоадошларингиз сизни намунали ходим дея эътироф этди. Бунга асосий сабаб нимада деб ўйлайсиз?

— Менимча, тажрибам ва билимим туфайли бўлса керак. Бор эътиборимни қилаётган ишимга қаратаман. Доим изланаман.

— Бухороликлар илм-севар бўлади. Асосан лицей, гимназияларда ўқишади, репетиторларга мурожаат қилади. Сиз қаерда таҳсил олгансиз?

— Бухоро туманидаги оддий мактабда таълим олганман. Лекин 2-синфданоқ инглиз тилидан репетиторга қатнадим. Математика фанини эса онам уйда ўзи ўргатди. Чунки онам мактабда математикадан дарс беради. Дадам эса информатика муаллими. Болалигимдан рақамлар билан улғайганим учун ҳам шу соҳани тан-

ладим. Рақамлар менинг ҳаётим. Тошкент молия институтининг иқтисод факультетини тамомлаганман.

— Пластик карта бўйича хизмат кўрсатар экансиз. Ишингизнинг қизиқарли томонлари нимада?

— Пластик карта билан ишлаш информация технологияларга боғлиқ бўлгани учун анча қизиқарли. Электрон тўловлар, ҳамкор мобайл иловалари билан ишлаймиз. Ҳамма хизматлар онлайн амалга оширилади ва бу жараён одамни зериктирмайди.

— Филиал пластик карталаридан фойдаланётган қанча мижоз бор?

— Ҳозирда "Uzkard"дан 10 мингга яқин, "Humo"дан 8 мингга яқин, "Visa" карталаримиздан эса 6 мингдан ортиқ мижозлар фойдаланмоқда. Хизматлар-

римиз тезкор бўлгани учун мижозлар кўпроқ бизга мурожаат қилади.

— Вақтингизни қандай тақсимлайсиз ва кўпроқ нималарга сарфлайсиз?

— Эрталабдан режа тузиб, қайси ишни қачон бажаришимни белгилаб оламан. Иш жараёнида кўп вақтим пластик карталарни эмиссия қилиш, янги карталарни расмийлаштириш билан ўтади. Ишдан бўш вақтларда кўпроқ китоб ўқиб, дастурлашни ўрганиш билан шуғулланаман.

— Бошқа давлатларнинг банк тизими билан ҳам танишиб борасизми? Сизга қайси мамлакатнинг банк хизмати ёқади?

— Ҳа, ўзимнинг йўналишимга алоқадор хизматларни ўрганиб бораман. Масалан, онлайн тўловларни, қандай турдаги карталар мавжудлигини. Америка ва Германия банклари жуда ривожланган. У ерда



хизмат кўрсатиш сифати юқори ва тез. Барча банк хизматлари онлайн бажарилади. Насиб қилса, биз ҳам вақти келиб, уларнинг даражасига етамиз.

— Ўз соҳангизда қандай чўққини кўзла-яписиз?

— Бош банкда бирон бўлимни бошқаришни ният қилмаман. Пластик карталар бўлимига ишга чақиринди. Аммо оилавий шароитим туфайли боролмадим. Оилада ёлғиз ўғилман, ота-онамнинг ёнида бўлишим керак. Вақти келса, албатта, ўйлаб кўраман.

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА

ДУНЁ ЕТАКЧИСИ

Хитой саноат ва тижорат банки (ICBC) анча йиллардан бери дунё банклари рейтингига етакчиликни бермай келади. Айни вақтда мазкур молия муассасасининг активлари 5,435 миллиард АҚШ долларида ошган бўлиб, бозор капиталлашуви 242 миллиард долларни ташкил этади. 70 фоиздан ортиқ мулки давлатга тегишли.

1984 йилда фаолиятини бошлаган ушбу йирик банк корпорациясида 450 минг нафардан ортиқ ходим фаолият кўрсатмоқда. Компания бош қароргоҳи Пекинда жойлашган.



Саҳифа муаллифи: Нигора ТЎХТАМАТОВА.

СОҒЛИК-БОЙЛИК

Тишларингиз бутун ва соғломми? Унда сиз бахтлисиз. Негаки тиш хасталиги ёки тишсизлик инсонга катта азият беради. Роҳатланиб таом ейолмайсиз, ҳаловатингиз йўқолади. Аммо энди бу ҳолатни ўйлаб, хавотирга тушманг. Замонавий илм-фан учун тиш билан боғлиқ касалликлар муаммо бўлмай қолди. Агар тишларингиздан бутунлай айрилган бўлсангиз ҳам унинг ўрнини худди асл тишларингиз каби тўлдириш имкони бор. Яъни имплант тишлар ҳақиқий тишлар каби сизга бир умр хизмат қилади. Келинг, яхшиси, қолган маълумотларни стоматолог-имплантолог Хайрулло Шокиров билан бўлан суҳбат орқали билиб оламиз.

ТИШИНГИЗ ЙЎҚ БЎЛСА, ҚАЙҒУРМАНГ, ИМПЛАНТ БОР!

— Хайрулло, имплант усулда тиш қўйиш амалиёти юртимизга қачон кириб келди?

— Имплант бу титандан тайёрланган сунъий тиш илдизи бўлиб, бу усулда тиш қўйиш амалиётининг мамлакатимизга кириб келганига 20 йил бўлди. Шу вақт мобайнида мутахассисларимизда катта тажриба тўпланди. Ҳозирда ушбу амалиёт жуда ривожланди. Мана, яқинда Дубай шаҳрида бўлиб ўтган бутун дунё имплантологларининг кўргазмасида иштирок этдим. У ерда соҳамга оид янада янги маълумотларга эга бўлдим.

— Имплант тишнинг қулайлиги нимада?

— Биринчи қулайлиги — ён томонидаги соғлом тишларга тегилмаган ҳолда фақатгина йўқотилган тишнинг ўрнига қўйилишидир. Қозик қисми милк ичига киритилгани учун мустаҳкам ва бир умрга чидамли бўлади. Қолаверса, ҳар қандай лўқмани қўрқмай, бемалол чайнаш мумкин. Организмга тезда мослашиб кетади, сабабсиз тушиб ёки синиб қолиш хавфи бўлмайди.

— Нечи ёшдан ва кимларга қўйилади?

— Аслида 18 ёшдан



ошган соғлом инсонларга қўйилиши керак. Лекин зарурат туғилганда, ёш болаларга ҳам ўрнатилади. Жағ соҳасидаги нуқсонлар, яллиғланишлар, бўғим касалликлари ҳамда қандли диабетда тавсия этилмайди.

— Бу борада энг яхши тажрибага эга давлатлар қайсилар?

— Германия ва Корея бу соҳада жуда илғор. Материаллар ҳам асосан шу давлатлардан сотиб олинади.

— Сиз бу амалиётни қаерда ўргангансиз?

— Тошкент тиббиёт академиясида ўрганиб, икки йилдан буён ўзим мустақил амалга ошириб келаман.

— Агар тиш қўйиш жараёнида бирон хатолик юз берса, қандай салбий оқибатларга олиб келади?

— Хато қўйилса, организм уни қабул қилмайди, тезда қимирлаб тушиб кетади. Шу томони билан ҳам асоратлари хавфли эмас.

— Бир йилда қанча одамни имплант тиш билан таъминлайсиз?

— 100 дан ортиқ беморни. Шу кунгача биронта мижоздан шикоят ёки эътироз эшитганим йўқ.

— Нархлари қанача? Чўнтак кўтарадими ишқилиб?

— Айни пайтда материалнинг чиқарилган давлатига қараб, ҳудудимизда бир дона имплант 150 доллардан 400 АҚШ долларигача туради. Чет давлатларда бу амалиёт жуда қиммат. Дунё бўйича ҳисобласак, бизда нархлар ўртача.

Н.ТЎХТАМАТОВА
суҳбатлашди.

Иссиқ кунларда музқаймоқ аҳолининг энг кўп истеъмол қиладиган егуликларидан бирига айланади. Хўш, бетакрор лаззатга эга бу ширинликни ким, қачон кашф қилган? Албатта, тиниб-тинчимас хитойликлар. Музқаймоқнинг бу мамлакат билан боғлиқ тарихи 4 минг йилдан кўпроқ даврга бориб тақалади.



МУЗҚАЙМОҚ ҚАЧОН КАШФ ҚИЛИНГАН?

Миллоддан аввалги икки минг йилликда Қадимги Хитойда апельсин, лимон бўлаклари ҳамда анор доналари муз ва қор билан аралаштирилган ҳолда ўзига хос ширинликлар тайёрланган. Мазкур ширинлик рецепти миллоддан аввалги XI асрда "Ши Цзин" китобида қайд этилган.

Тарихий манбалар одамларнинг қадимдан музқаймоқхўр бўлганини тасдиқлайди. Қадимги юнонлар тоғ ва музликлардан олинган қор ва музга сут маҳсулотларини қўшиб, шарбат ва вино тайёрлашган. Қадимги форслар, қадимги ҳиндистонликларда ҳам муз билан тайёрланган егуликлар мавжуд бўлган.

Музқаймоқнинг биринчи машҳур намуналаридан бири — "Фалуде" миллоддан аввалги V асрда яратилган бўлиб, у атиргул суви, лайма шарбати, майдаланган писта ва озиқ-овқат крахмалининг музлатилган аралашмасидан таркиб топган.

Европани бу мазали егулик билан XIII асрда Хитойдан рецепт олиб келган Марко Поло таништирган.

Музқаймоқнинг биринчи рецепти нашри Мэри Илз хонимнинг 1718 йилда Лондонда чоп этилган тўпламида пайдо бўлган.

Россияда 1791 йилда чиқарилган "Янги ва тўлиқ ошпазлик китоби"да илк замонавий музқаймоқ ҳақида маълумот берилди. Унинг таркибида қаймоқ, тухум оқи, шоколад, лимон, смородина, малина, олча ва апельсин бор эди.

Биринчи музқаймоқ ишлаб чиқарувчи фабрика 1851 йил АҚШнинг Балтимор шаҳрида ташкил топган бўлса, биринчи музқаймоқ сотувчи кафе штатларнинг яна бир шаҳри — Глендейлда очилди ва у тез орада "Baskin Robbins" тармоғига айланиб, бутун дунёга мингдан ортиқ турдаги музқаймоқларни тақдим этди.

ОСИЁ тайёрлади.

У ТУШУНМАДИ...

Дўстимга дедим:

— Дўст бўлсанг, ё ёнимда, ё қаршимда тур...

— Нега? — дея сўради у.

— Ортимда турганларнинг оёқдан чалганини кўп кўрганман, дедим.

У тушунмай, елка қисди...

КЎРИНМАС РАҚИБДАН ҚЎРҚ...

Сенга ошкора тош отганлардан чўчима. Ундан ўзингни эҳтиётлаш имкони мавжуд. Бирортаси тегса, нари борса, бошингни ёрар.

Аммо зимдан чоҳ қазийдиган ё кўринмас рақиблардан қўрқ. Чунки улар нақд юрагингни нишонга оладилар.

АЙБИМ НИМА?

"Дўст ачитиб гапирди, душман кулдириб" деган мақолга умр бўйи амал қилдим. Одамларнинг камчилигини юзига айтдим. Лекин улар мени дўст эмас, душман дея қабул қилишди.

Айбим нима менинг, билмадим. Мақолга амал қилганимми?

МЕН БИЛГАН ҲАҚИҚАТЛАР

ЭНГ КУЧЛИ ИНСОНЛАР...

Бу дунёдаги энг кучли инсонлар ота-оналардир. Чунки улар ўз фарзандлари истиқболи йўлида ҳар қандай тўсиқдан ўта оладилар ва ҳар қандай муаммонинг ечимини топа билдилар. Зеро уларни Оллоҳ шундай яратган!

"КЎПЧИЛИК ОВОЗ БИЛАН..."

Афлотун айтган экан:

— Қарор кўпчилик овоз билан эмас, балки, билим асосида қабул қилиниши керак...

Биз эса "кўпчилик овоз билан" қанча қарорлар қабул қилдикки, уларни инкор этиш учун жудаям катта билим керак эмас, менимча.

Наҳмиддин ИКРОМИЙ.

Ҳаётда қанча яшаш эмас, қандай яшаш муҳимдир. Баъзи инсонлар қисқа умр кўра-да, асрларга татигулик меҳнати сабаб одамлар ёдидан ўчмайди. Бундай инсонлар сирасига "Ўзбекистон булбули" дея эътироф этилган Ўзбекистон халқ артисти, профессор Таваккал Қодировни ҳам киритиш мумкин. У 70 йил умргузаронлик қилиб, бундан 26 йил аввал боқий дунёга риҳлат қилган бўлса-да, ҳамон ёдимизда. У ҳар йилнинг баҳорида "...Дўстлар, ғаниматдир, сайр этинг гулистонлар" дея хониш айлаб, қалбларимизга ўзгача илиқлик, қувонч олиб кирарди.

ОНАНИНГ ОҲИ: «ТАВАККАЛ ҚИЛДИМ, АЛЛОҲ»

Фарзанднинг дунёга келиши ота-она учун бахт, Таваккалнинг туғилиши эса қувалик Мулла Қодир ва Тўтибиби ая учун чинаямига мўъжиза бўлган эди. Боиси, улар бирин-кетин туғилган саккиз фарзандини тупроққа қўйиб, қалблари фарзанд доғида ўртанарди. Тўтибиби ая яна ҳомиладор бўлди, бундан кўнглининг бир чети қувонса, бир учи мулзам тортарди. Ой-куни яқинлашиб қолганда қўшни жувонлардан бири Тўтибибининг қулоғига: "Тўлғоғингиз тутганини ҳеч кимга билдирманг, доясиз кўзингиз ёрса, болангиз нобуд бўлмасмиш. Шу иримини ҳам қилинг, зора фарзандингиз омон қолса", — дейди.

Чорасиз қолган аёл "эмига тушин" дея қўшни жувоннинг айтганларини қилади. "Аллоҳим, ўзингга такаввал қилдим, бу бола ё меники, ё тупроқники бўлсин. Исми ҳам Таваккал бўлсин!" дея нола қилади. Шундай қилиб Таваккал Қодиров 1926 йил ҳовли четидаги бедапоя бағрида дунёга келади.

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Эр-хотиннинг бағри тўлди. Таваккал уларнинг зим-зиё ҳаётига қуёш нури сингари кириб борди. Орадан кўп ўтмай улар яна икки ўғилнинг ота-онасига айланишди. Таваккал болалигидан санъатга меҳр билан улғайди. Аввалига мактабдаги ҳаваскорлик тўғрисида қатнаб, Ғофир Ҳошимовдан мушқий сабоқ

олди. Султонобод қишлоғига радио карнайи ўрнатилганда, Таваккалнинг қувончи оламни тутганди. У кун бўйи карнай тағида ўтириб, Тўйчи Ҳофиз, Маматбува, Эрка қори, Юнус Ражабий, Болта Ҳофиз, Ҳожиҳон Болтаев, Жўраҳон Султонов, Маъмур-

сифатида ўзига хос услуб яратди. Ҳофиз юзлаб қўшиқлар ижро этди. У қуйлаган "Бизни ташлаб", "Ўхшайди-ку", "Тошкент ироғи", "Найларам", "Қўқон ушшоғи", "Тановар", "Фасли навбахор ўлди", "Фарғона тонг отгунча" ва бошқа қўшиқларни ҳануз халқимиз севиб тинглайди.

«ЎЗБЕКИСТОН БУЛБУЛИ»

жон Узоқов, Бобораҳим Мирзаев каби кўзга кўринган Ҳофизларнинг қўшиқларини сел бўлиб тинглари.

«ЯККА БУ ҲОФИЗ ФАРҒОНАДА»

Таваккалнинг овози кенг қамровли бўлгани боис Ғофир Ҳошимов ашулаларнинг авжини унга айттирарди. Секин-аста унинг қўшиқлари ҳаваскорлик тўғрисида туман радиосига кўчди. Унинг шина-вандалари ҳам кун сайин ортиб борди. 1961 йилда Фарғона музика билим юртини, кейин Фарғона педагогика институтини тугатди. У дастлаб қувалик Т.Каримовдан доира ва ғижжак чалишни, Ғофир Ҳошимовдан ашула йўларини ўрганди. Кейинчалик Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов сингари улуг Ҳофизлар мактабининг давомчиси

ШОГИРДЛАР УСТОЗИ ҲАҚИДА

**Султонали МАННОПОВ,
Ўзбекистон халқ артисти,
профессор:**

— Бу воқеа ҳақида ўқиб, унинг содир бўлганига шубҳа қилишингиз мумкин. Аммо ўзим бунга гувоҳ бўлганим боис, у ҳақида сўзламай иложим йўқ.

Устоз билан бир куни Андижонда бўлган тўйнинг саҳарлик дастурхонини атрофида ўтирган эдик. Устознинг шинавандалари давра қуриб, тори сас чиқаришини интиқлик билан кутишарди. Устоз қўлига торни олди, уни чертиб қўшиқ қўлай бошлади.

**Эй тан, бас айла, ғамли қиш
ўтса, баҳор бўлар,
Саҳро юзи бинафша билан
лолазор бўлар,
Булбул чаманда нола қилур,
бесабаб эмас,
Гул очилгунча қанча тиконга
дучор бўлар.**

Шу пайт устимизга соя ташлаб турган олма шохига булбул келиб қўнди, ҳамма жим, ҳайрат ичра унга боқиб турардик. Қўшиқнинг авж нуқтасига келганда булбул торнинг дастасига қўнди ва бир муддат хониш айлаб, пирр этиб учиб кетди. Ҳайратдан ёқа ушлаб қолган давродошларнинг тили айланмай қолганди.

**Отабек Муҳаммадзоҳид,
хонанда:**

— Фарғона давлат университетига қабул қилинганимда курс раҳбаримиз Таваккал Қодиров эканлигини эшитиб, роса қувонгандим. Устозимиз ҳар жабҳада ўрнатилган оладиган, тартибли, маданиятли ва ўз даврининг илғор кишиси эди. Пахтазорларга бориб, кичик концертлар ташкил этардик. Дарслардан сўнг устознинг хоналарига кириб, репетиция қилардик. Баъзида устоз машғулотларимизни зимдан кузатиб турарди. Мени ҳайратлантирган нарсасуки, у ёшдаги кишилар (айниқса, устоз санъаткорлар) синтезатор, зарбли чолғу асбобларини ҳушламасди. Аммо устоз бундай шовқинлардан нолиганларини эслай олмайман. Аксинча, замонавий мушқий асбобларни тинглаб, завқланарди.

Устоз оламдан ўтгач, қалбимиз кемтик бўлиб қолганди. Бир куни жуда қизиқ воқеа содир бўлди. Факультет

тет йўлида бир нуроний отахоннинг у ёқдан-бу ёққа юриб беҳаловат бўлаётганини кўриб қолдим. Ёрдан бериш умидида суҳбатга тортдим.

— Кимнидир излаяпсизми, отахон?

— Менга Таваккалжоннинг шогирдлари керак эди, болам, — деди отахон.

— Айнан қай бири, набирангизни университетга ўқишга жойламоқчимисиз?

— Таваккалнинг шогирдлари кўп, қай бири бўлса ҳам фарқи йўқ. Жуда шошилинч иш билан келгандим, — деди.

— Мен ҳам устознинг курсларида таҳсил олганман!

— Ўғлим, Таваккалнинг қўли очик, жуда саҳий инсон эди. Мен Ёзёвоннинг чекка қишлоғидан келдим. Набирам шифохонада, бор пулимни дори-дармонга сарфладим, уйга қайтишга бир сўмим ҳам қолмади. Таваккалнинг ўзидек саҳий, бағрикенг издошлари бордир, менга кўмак беришар деган умидда шу даргоҳга келдим, — деди отахон минг хижолат билан.

Бўғзимга нимадир тиқилгандек бўлди, беихтиёр қўлларимни чўнтагимга тиқиб, бор пулимни отахонга тутдим. У пулларни хижолат билан олиб, менинг ва устозимнинг ҳақиғига дуо қилди. Ҳўнграб йиғлаб юбордим.

Ҳа, устозимиз отахон айтгандек, борини атрофдагилар билан баҳам кўрадиган, ширинсўхан ва ўта камтарин инсон эди. Унинг фазилатлари тоғдек машҳурлигининг соясида қолиб кетмасди...

Таваккал Қодиров баҳор нафаси бағрида дунёга келганди. 1996 йили айни шу фаслда замин уни ўз бағрига олди. 70 йиллик умри мобайнида ўз номини нафақат ижод, балки, қадрдон оила, шогирдлар ва энг олий фазилатлар билан беади. Унинг қабр тошига Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб мангуликка дахлдор мисралар битилди.

**Мен кетарман, қолмагай тил-
ла тахту қўшиқларим,
Менга бу дунёда чин келтирдир
бахт қўшиқларим,
Ўзбегим уйда янграб ҳамма
вақт хонишларим,
Гул ўпиб, гул ёпишиб, ҳар дилда
мозорим қолур,
Мен кетарман бир куни навола-
рим, зорим қолур...**

**Наргиза МУРОДОВА,
санъатшунос-журналист.**

Билиб қўйган яхши

Яна бир неча кундан сўнг таълим муассасаларида сўнгги кўнғироқ садолари янграйди. Қулоққа таниш ушбу кўнғироқ ким томонидан кашф қилинган? Кўнғироқ садолари остида мактаб, устозлар, қадрдон синфдошлар билан ҳайрлашиш айёми қачон жорий этилган?

СЎНГГИ КЎНҒИРОҚ

Мактабда кўнғироқнинг чалиниши қадимги юнон файласуфи Афлотун (Платон) номи билан боғлиқ, деган фикрлар мавжуд. Тарихий манбаларда ёзилишича, файласуф болаларни сув соати ёрдамида дарсларга чорлашга қарор қилган. У найча билан боғланган икки идишни олиб, устма-уст сув қуйган ва бунинг таъсирида ёқимли товуш ҳосил бўлган.

XVII асрда чехиялик педагог-реформатор Ян Амонс Коменский таълимга синф тизимини амалга жорий этиб, дарсларни кўнғироқ чалиш орқали тугатишни ўйлаб топади.

XIX асрнинг 50-йилларида Жон

Миранд бизга яхши таниш бўлган деталь — кўнғироқни жамият ҳаётига олиб кириб, уни ривожлантирди. Натижада электр токи билан ишловчи қўрилма кашф этилди.

Мактаб тугатилганлигини кўнғироқ чалиб якунлаш бундан 74 йил аввал жорий қилинган. Сўнгги кўнғироқ тантаналари илк марта 1948 йилнинг 25 май куни Москва шаҳридаги 148- (ҳозирда 1388-) мактабда ўтказилган эди.

Қадрдон мактаб, сеvimли устозлар, синфдошлар билан унутилмас ҳайрлашув онларини шодиёна билан — сўнгги кўнғироқ садолари остида нишонлашни педагог Фёдор Брюховецкий биринчи бўлиб тавсия этган. Кейинчалик унинг тақлифи ҳам мактабдаги биринчи ўқиш куни — "Билимлар куни" ва охириги куни ҳам сўнгги кўнғироқ билан нишонланадиган бўлди.



БҲГҲНГИ САМАРҚАНД



СПОРТ

ЭРЛИНГ ХОЛАНД
“МАНЧЕСТЕР СИТИ” ФУТБОЛЧИСИ

Норвегиялик 21 ёшли футболчи Эрлинг Холанд расман “Манчестер Сити” футболчисига айлан-ди. Бу трансфер нархи 75 миллион еврони таш-кил этди.

Форвард янги клубида ҳафтасига 585 минг евро миқдорида маош олади. Бу АПЛнинг энг кўп ҳақ олади-ган ўйинчилари бўлмиш Криштиану Роналду ва Кевин де Бройненикидан кўп.

Холанд 2020 йилнинг январиди Дортмунднинг “Боруссия”сига кўчиб ўтганди. Икки ярим мавсумда у немис клуби сафиди 88 учрашувда 85 та гол урди ва 23 та голли узатма амалга оширди.

“МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД” ЕЧЛДА
ЎЙНАМАЙДИ

Таркибида Криштиану Роналдудек юлдуз ўйинчиси бор “Манчестер Юнайтед” АПЛ-нинг 36-турида “Брайтон”га 4:0 ҳисобида мағлуб бўлди ва турнирда 6-ўринни эгалла-ди.

Ушбу кўрсаткичдан сўнг жамоанинг Европа чемпионлар лигасида ўйнаш имконияти расман йўққа чиқди. МЮ шу пайтга қадар АПЛда 37 та ўйин ўтказиб, 58 очко йиғишга эришди. Яъни 16 та ғалаба, 10 та дуранг, 11 та мағлубият. Тўртин-чи ўриндаги “Арсенал”да 34 ўйинда 63 очко бор.




Маълумки, Олимпия ўйинла-ри XIX асрда эмас, балки, Қадимги Юнонистонда, антик даврдаёқ ўтказилган. Замо-навий Олимпия ҳаракатининг тарихига эса 120 йилдан ошди.

ҚАДИМГИ ОЛИМПИАДАДА
ҚАТТИҚЎЛЛИК БЎЛГАН

Биринчи Олимпия ўйинла-ри милoddан аввалги 776 йил-да бўлиб ўтган. Бироқ, кўпчилик тарихчиларнинг фикрича, Олим-пияда ундан олдин ҳам ўтказилган бўлиши мумкин. Ўша вақтларда Олимпияда фақат бир кун давом этган. Маълум муддат ўтгач, бу вақт 5 кунгача чўзилган.

Дастлабки Олимпия ўйинлари-да фақатгина битта мусобақа — югуриш бўлган (192,27 метр масо-фага). Аста-секин дастурга янги мусобақалар — диск улоқтириш, кураш, аравачалар пойгаси, узоққа сакраш ва куч синашиш кабилар киритилган.

Қадимги греклар жуда қаттиққўл бўлишган. Масалан, бирор атлет стартга эртaroқ чиқса, уни таёқлар билан сава-лашган. Мусобақа иштирокчи-лари носоғлом рақобат қилса, қоидаларни бузса, уни тошбўрон қилишлари ва ҳатто ўлдириб юборишлари ҳам мумкин бўлган. Қоидаларга риоя қилмаслик — Зевсга (Қадимги Юнон худо-си) нисбатан ҳурматсизлик деб баҳоланган.



МУАССИС:

“HAMKOR PRESS” MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан
қайта рўйхатта олинган
Индекс: 460
e-mail:
hamkor.press@mail.ru

Газета “Hamkor press” таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул:
Н. ТУХТАМАТОВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шoҳ кўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

“Шарқ” НМАК босмахонасида chop этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Г-549 Адади: 6360
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда
келишилган
нархда.